Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 20-aprel, shanba № 50 (3243)

Матбуот анжумани

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ — ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Жамоа шартномалари ва келишувлари — ходимлар турмуш даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Федерация Кенгаши масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

ЎзКУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири Маҳмуд Исаев қайд этиб ўтилганидек, давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлаётир. Эътиборли томони, мамлакатимизда ижтимоий шериклик ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиши учун етарли шароитлар яратилган. Жумладан, жамоа шартномалари иш берувчилар ва ходимлар вакили бўлмиш касаба уюшма қўмиталари ўртасида имзоланадиган муҳим локал ҳужжат бўлиб, барча масалалар ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош келишувнинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этаётир. Шу асосда республикамизда 86 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий келишув, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 93805 та жамоа шартномасининг мазмун-моҳияти бойитилди. Хусусан, жамоа шартномаларига хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлимлар киритилди.

Натижада нафақат меҳнаткашлар, балки касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси таъминланмоқда. Тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари томонидан олий ва ўрта махсус таълим масканларининг иқтидорли талабалари учун касаба уюшма стипендиялари жорий этилаяпти.

Умуман, касаба уюшмаларига аъзолик афзалликларининг оширилиши, тизимни такомиллаштириш туфайли аъзолар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинишига эришилди.

Тармоқ келишувларида эса ходимлар даромадини ошириш назарда тутилиб, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларга оид аниқ ва батафсил меъёрлар келтирилган. Ижтимоий кафолатлар, соғлиқни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни ташкил этиш ҳам шулар жумласидан.

Жамоа шартномалари орқали, жумладан, ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёрларига риоя этилиши таъминланаяпти. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун Республика бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга ўтган йилда сарфланган маблағ қарийб 700 минг сўмни ташкил этди. Тармоқлар кесимида бу маблағ 3,5 млн. сўмгача етди.

(Давоми 2-саҳифада).

«ДАМ ОЛИШ ДУНЁСИ» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИ

«Ўзэкспомарказ» павилонларида «Дам олиш дунёси» биринчи халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси (UITF–2013) очилди.

Анжуман «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО), Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ташкил этилди.

Хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортиб бораётгани ҳамда мамлакатимизда ички туризм юқори суръатлар билан ривожланаётганини инобатга олган ҳолда «Дам олиш дунёси» биринчи халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма Ўзбекистонда баҳор-ёз сайёҳлик мавсумини очиб берадиган янги лойиҳа бўлиб, юртимизда туризмни ривожлантириш, хорижлик сайёҳларни қабул қилиш, мамлакатимиз фуқароларининг хорижий давлатларга саёҳатини ташкил этиш ҳамда ички туризмни тараққий эттириш масалаларига қаратилган.

UITF — 2013 кўргазмасидан асосий мақсад маҳаллий ва хорижий туроператорлар ҳамда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият юритаётган кичик туристик бюролар ва агентликларга янги сайёҳлик мавсумида ўз туристик маҳсулоти бўйича таклифларни илгари суришига ёрдамлашиш, хорижий ва маҳаллий корпоратив мижозлар билан шартномалар тузиш, туризм бозорида таътил мавсумига оид стратегик режалар ишлаб чиқиш учун имконият яратишдан иборат.

Ўзбекистон халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимиздан ташқари, Хитой, Испания, Швейцария, Хорватия, Малдив ороллари, БАА, Миср, Туркия, Россия, Украина, Таиланд каби кўплаб давлатлар вакиллари иштирок этмоқда.

Кўргазма доирасида, шунингдек, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан «Қуйи-Амударё давлат биосфера резервати мисолида Ўзбекистонда туризм ва табиатдан фойдаланишнинг янги модели» мавзусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Кўргазманинг иккинчи кунида «Ош байрами» ўзбек палови фестивали ва ушбу таомни тайёрлаш бўйича мастер-класс ўтказилади.

ЎзА материали асосида тайёрланди.
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Бошланғич ташкилотлар фаолиятидан

Эътироф этиш лозимки, кейинги йилларда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда туб ўзгаришлар юз берди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, инсонлар, айниқса, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, дастур ижросини таъминлаш тизимда аниқ мақсадга қаратилган ишларни амалга оширишни, тиббиёт ходимларидан ишга масъулият билан ёндашишни талаб этади. Олмазор туманидаги Шаҳноза Рашидова раҳбарлик қилаётган 17-оилавий поликлиника жамоаси учун бу ҳол янгилик эмас.

ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ

Замон талабига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган ушбу даргоҳда 33 мингга яқин аҳоли саломатлиги муҳофазага олинган.

Жамоанинг 80 фоизи хотин-қизлардир. Шу боис маъмурият ва касаба уюшмаси жамоа шартномасини тузишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор имтиёзларни белгилаб қўйилган. Хусусан, аёлларнинг иш соати қисқартирилиб, 12 ёшгача иккита ва ундан ортиқ, 16 ёшгача ногирон боласи бор ишловчи оналарга иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш кунлари берилмоқда. Шунингдек, молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда бошқа ижтимоий масалалар ҳам ҳал этилаяпти.

— Поликлиника раҳбарияти ва касаба уюшмаси ишлаётган хотин-қизларни, ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий томондан ҳимоялашни тобора такомиллаштириб бормоқда, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси, олий тоифали шифокор Улуғбек Абдукаримов. — Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббускорлигига жавобан қўмитамизни намунали бошланғич касаба уюшма ташкилотига айлантириш учун бор имкониятдан фойдаланаяпмиз. Албатта, бу уринишлар ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича кўрсаткичларда ўз ифодасини топади.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашга оғишмай амал қилиб, жамоа шартномасида белгиланганидек, соғломлаштириш тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳар йили поликлиника ходимлари диспансер кўригидан ўтказилади. Бир нечта ходим санаторийда даволаниб, 2 нафари дам олиш уйларида соғлигини тиклади.

Поликлиникада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис лавозими жорий қилинган бўлиб, ходимлар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Бунинг учун 2 млн. сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, хавфсизлик техникаси хоналари ва бурчаклари ташкил этилди.

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» шиори остида аъзоларнинг мароқли дам олишини таъминлаш учун республикамизнинг тарихий шаҳарларига имтиёзли саёҳатлар уюштирилмоқда. Хусусан, йил мобайнида фаол ишлаган ходимларимиз Бухоро шаҳрида зиёратда бўлишди.

Спорт — саломатлик, гўзаллик гаровидир. Касаба уюшма қўмитаси, маъмурият, хотин-қизлар қўмитаси ва маҳалла аҳли ҳамкорлигида спортнинг турли йўналишларида мусобақа ва марафонлар уюштириш анъанага айланган. Наврўз байрами арафасида ўтказилган спорт мусобақаси фикримиз далилидир. Беллашувда нуфузли ўринларни эгаллаган спортчи шифокорларга совғалар топширилди. Шунингдек, соғломлаштириш ишларини янада жонлантириш мақсадида ходимларга «Булоқча» сув спорти саройига бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Инсон соғлиги ҳамма нарсадан устун. Зеро, беморларнинг дардига малҳам бўлиш учун саломатлик посбонларининг ўзлари ҳам жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлишлари шарт. Бу эса, касаба уюшма қўмитасидан алоҳида эътиборни талаб этади.

Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири

Жорий йил Андижон вилоятида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурига кўра, саноат соҳасида 437,9 миллиард сўмлик 963 та, хизмат кўрсатиш бўйича 125,5 миллиард сўмлик 2058 та, қишлоқ хўжалиги тизимида 65,5 миллиард сўмлик 973 та, бўш турган бино ва иншоотларда 28,6 миллиард сўмлик 571 лойиҳа амалга оширилади.

ИШОНЧ БОРКИ...

ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИЛАДИ

Биргина Олтинкўл туманида 2013-2015 йиллар мобайнида жами 265 та лойиҳани амалиётга татбиқ этиш кўзда тутилган бўлиб, 244 таси шу йилга мўлжалланган. Бунинг учун 24,3 миллиард сўмлик инвестиция киритилади.

Лойиҳаларнинг дастлабкиси Жалабек қишлоғида ишга тушган «Фикентекс-Андижон» хорижий шўъба корхонаси бўлди. Айни чоғда Малайзиядан келтирилган 10 та дастгоҳда йилига 400 минг жуфт пайпоқ тўқилмоқда. Корхонага 80 минг долларлик инвестиция киритилиб, 480 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келтирилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

САХОВАТПЕША АКА-УКАЛАР

Ховос тумани «Чаманзор» маҳалласида яшовчи беш нафар ака-ука тадбиркор Нуриллаевлар бўш ётган ташландиқ майдон ўрнида гузар барпо этишди. Бу хайрли иш учун «Агробанк»нинг туман филиали 70 миллион сўм кредит ажратди.

Янги гузардан 200 ўринли тўйхона, 50 ўринли чойхона, савдо дўкони ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган. Бу 25 нафар йигит-қизга доимий иш билан таъминланишга имкон яратди.

Гузарнинг очилиши катта тантанага айланди. Маҳаллага ош берилиб, бемор, ногирон инсонларга саховат ёрдамлари кўрсатилди.

— Ака-ука тадбиркорлар катта савоб ишга қўл уришди, — дейди туман ногиронлар жамияти бўлими раиси Эсонбой Ботиров. — Шундай саховатпеша инсонлар доимо бор бўлсин.

Анорбой НОРКУЛОВ

Янгиликлар оқимидан

ҚАШҚАДАРЁ

Шаҳрисабздаги маданият саройида бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг туман босқичи ғолиблари аниқланди.

САНЪАТ АНЖУМАНИ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган санъат анжумани ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Обод турмуш йилига бағишлаб ўтказилаётган танловнинг биринчи босқич баҳслари дастлаб олтита ҳудудда ташкил этилди. Унда тумандаги 186 та таълим муассасаси жамоалари қатнашиб, ғолиб чиққан ҳаваскор ижрочилар яна бир бор катта саҳнада имтиҳондан ўтишди.

— Тинчлик, баҳор, меҳр-муҳаббат, вафо ҳамда садоқат тараннум этилган қўшиқлар, миллий рақслар жилоси, қоларверса, ҳаваскор созандалар томонидан ижро этилган куйлар йиғилганларга олам-олам завқ улашди, — деди 88-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Собир Гадоев.

Танлов ғолибларига туман тармоқ касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

НАВОИЙ

Озгина эътибор ҳам инсонларни бир-бирига яқинлаштиради. Шуни назарда тутган ҳолда тармоқ таркибидаги аъзоларга янада ғамхўр бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

МУНАВВАР ДИЛЛАР

Яқинда «Киновидео» ОАЖ-га қарашли чойхонада туман кўзи ожизлар жамиятининг 20 нафар аъзосига дастурхон ёздик. Ўйин-кулги асноси меҳр-оқибат тафти чеҳраларда намоён бўлди. Иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар туҳфа қилинди.

Шу кунларда яна бир хайрли тадбир тараддудидамиз. Бир гуруҳ аъзолар учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирмоқчимиз.

Ҳусан КЎЧҚОРОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси

СУРХОНДАРЁ

Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги Марказий шифохона мажмуаси Жарқўрғон «Агромаштаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа фурсатда бунёд этилди.

ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

— Мажмуа 260 ўринга мўлжалланган бўлиб, у замон талабларига тўла жавоб беради. Бунинг учун 4 миллиард 110 миллион сўм маблағ сарфланди. 300 миллион сўмлик янги жиҳозлар билан таъминланди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Равшан Қўйлиев.

Туман марказидан 25 чақирим наридаги «Меҳробод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 1-сон вилоят сил касалликлари шифохонаси учун замонавий архитектура асосида қўшқаватли мажмуа ва лаборатория хонаси қуриб берилди.

— Мазкур даволаш мажмуасини қуриш лойиҳаси 2012 йилги инвестиция дастурига киритилган эди. У тез фурсатда (70 ўринли) барпо этилди, — дейди «Полвонлюкс» хусусий фирмаси раҳбари Олтинбой Тошев.

Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги «Барноқурилиш сервис» МЧЖ қурувчилари саъй-ҳаракати билан Қумқўрғон туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси икки қаватли кўркам бинога эга бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 20-aprel № 50 (3243)

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ — ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳозирда 45 минг 73 та корхонада ушбу ҳужжат орқали ходимларга асосий узайтирилган таътиллар (15 иш кунидан кўп миқдорда) ўрнатилган бўлиб, 1 млн. 731 минг 224 нафар ходим ушбу имтиёздан фойдаланмоқда. Қарийб 49,5 минг корхонада 2 млн. 50 минг нафарга яқин ходимга жамоа шартномалари асосида қўшимча таътиллар берилмоқда. 60 минг 543 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан санаторий ва санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Ушбу мақсадлар учун 15 млрд. 600 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди.

Амалдаги жамоа шартномаларининг деярли 95 фоизига иш берувчи ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш лозимлиги тўғрисида банд киритилган.

Анжуманда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларни қўллаб-қувватлаш Обод турмуш йилида ҳам давом эттирилаётгани таъкидланди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2449 нафар фуқаро ва 12 минг 960 та оилага 6 млрд. 325 млн. сўмдан зиёд ижтимоий кўмак берилди. Жамоа шартномаларида меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаҳодатлаш, меҳнат муҳофазаси қоидалари бўйича ўқитиш, зарарли меҳнат шароити учун имтиёз ва компенсациялар ўрнатиш масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жамоа шартномаларини тузишга оид тавсиялар макетидаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг кенгайтирилган намунаси» ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилиб, бошланғич ташкилотларга етказилди. Республикамизда хўжалик бошқарув тизими ўзгариши, кўпчилик корхоналарда мулкчилик шакли ҳамда молиялаштириш манбалари ўзгариши муносабати билан давлат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ва мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари учун ўз йўналиши, хусусияти, имконияти ва норматив ҳужжатлар базаларидан келиб чиқиб жамоа шартномалари макетлари намуналари алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилиб, бошланғич касаба уюшма ташкилотларига тавсия этилди. «Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотлар учун жамоа шартномаси макети», «Соғлиқни сақлаш тизимида бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотлар учун жамоа шартномаси макети», «Мактабгача таълим муассасалари учун жамоа шартномаси макети», «Умумтаълим мактаблари учун жамоа шартномаси макети» ҳамда «Олий ўқув юртлари ва коллежлар учун жамоа шартномаси макети» намуналари шулар жумласидандир. Ушбу тавсиялар ва жамоа шартномаси макетига киритилган тадбирларнинг жамоа шартномаларида акс эттирилиши ҳамда уларнинг бажарилишига эришиш мақсадида Федерация Кенгашининг экспертиза комиссияси фаолият кўрсатаяпти.

Касаба уюшмалари вакиллари тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ишида ҳам иштирок этаётир. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ва унинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Мазкур йўналишдаги ишларни кучайтириш мақсадида меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни яхши ташкил этган корхоналар ҳамда жамоат назоратини намунали йўлга қўйган касаба уюшма ташкилотлари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ўртасида республика кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 2013 йилга режалаштирилган 328 минг 457 тадбирдан қарийб 113 мингтаси бажарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1763 тага, яъни 1,5 фоизга кўпдир. Шунингдек, корхоналарда иш ўринларининг аттестациядан ўтказилиши, ишловчиларнинг санитар-маиший хона ва ускуналар, зарур махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахслар учун Меҳнат кодексида белгиланган қўшимча кафолат ва имтиёзларнинг бажарилиши касаба уюшмаларининг доимий назоратида.

Маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини жамоа шартномаларига киритиш орқали меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялаш борасидаги фаолият ҳам янги босқичга кўтарилди. Хусусан, жамоа шартномаларига асосан иш берувчи ҳар ойда Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг маълум фоизи миқдоридаги маблағни мазкур йўналишдаги ишлари учун касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олган.

Ҳозирда касаба уюшмалари ташкилотчилигида ходимлар ва уларнинг фарзандлари маданият муассасаларидаги тўгарак ҳамда бадиий жамоаларга жалб этилиб, бўш вақтининг мазмунли ўтказилиши таъминланаяпти. Меҳнат жамоаларида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик жамоалари корхона, ташкилотларда, туман, шаҳар, вилоятлардаги байрам тадбирларида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўз дастурлари билан қатнашиб келмоқда. Улар касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган кўрик-танлов ва фестивалларда, шунингдек, вилоят, республика, халқаро кўрик-танловларда иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритаётир.

Дарвоқе, ҳар ойда «Маънавият соатлари»ни ўтказиб бориш ҳам бевосита жамоа шартномалари орқали амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳар бир ҳудудда 26 мингга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилотида «Маънавият соатлари» ўтказилди. Уларда 3 млн.га яқин ишчи-ходим иштирок этди.

Қайд этилганидек, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, аъзолар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳам алоҳида эътиборда. Хусусан, жорий йилда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида Обод турмуш йилига бағишланган «Спорт — саломатлик гарови» спорт тадбирлари ўтказилди.

Жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари орқали 40 минг нафар ижтимоий ҳимояталаб оила аъзоларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга жамоавий саёҳатларини уюштириш режалаштирилган. Жорий йилнинг уч ойида 3,5 минг нафарга яқин кам таъминланган оилалар учун саёҳатлар ташкил этилиб, бунга иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталари ижтимоий шериклигида 134 млн. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар фарзандларини имтиёзли соғломлаштиришга ҳам катта аҳамият берилаяпти. Хусусан, шу йил ёз мавсумида республика бўйича 900 дан ортиқ болалар оромгоҳларида 270 минг нафардан зиёд болажонлар соғломлаштирилиши режалаштирилмоқда. Жамоа шартномалари орқали улардан 30 минг нафарини бепул соғломлаштириш кўзда тутилган.

Анжуманда кейинги йилларда корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари бажарилиши бўйича мониторингнинг йўлга қўйилиши ва ижтимоий шерик ҳисобланган иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмиталарининг ходимлар олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилиши жамоа шартномалари самарасини кучайтиришда муҳим омил бўлаётгани ҳам эътироф этилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

РИВОЖЛАНАЁТГАН КОРХОНА

Термиз шаҳридаги «Наврўз» хусусий корхонаси аҳолига тикувчилик, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, тикув ускуналарини таъмирлаш каби етти турда сифатли маиший хизмат кўрсатмоқда.

24 нафар ишчи, етти касаначи меҳнат қилаётган корхонада тикувчилик ўқув курси ҳам ташкил этилган. Шунингдек, корхонада касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшларнинг амалиёт ўташи учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Суратда: «Наврўз» хусусий корхонасига қарашли тикувчилик ўқув курси ўқувчиси Зебо Ҳамроева.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

■ Тадбир

ФАОЛЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Касаба уюшмаси фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши қошидаги қурилиш ва транспорт соҳалари хизматидаги Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган бошланғич ташкилот (корхона)лар касаба уюшма қўмитаси раислари ҳамда фаоллари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Йиғилишда Марказий кенгаш раиси Ўктам Турғунов бугунги кунда бошланғич касаба уюшма ташкилотларига яратилган қулайликлар, имтиёзлар ҳамда янги ташкил этилган тизим тўғрисида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, Транспорт соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шавкат Тошпўлатов ҳамда Марказий кенгаш мутахассислари ўз йўналишлари бўйича фикр алмашдилар.

Якунда фаолларга касаба уюшма фаолиятига доир ҳужжатлар тўплами жамланган дисклар тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз

■ Намунали таълим муассасаси

Мирзаобод туманидаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, тартиб билан экилган мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари беихтиёр кўнгилга ободлик унсурларини олиб киради. Коллеж томорқасида ошхона учун зарурий сабзавот, кўкатлар ҳам етиштирилмоқда. Мазкур билим ва ҳунар маскани 2012 йилда «Энг обод таълим муассасаси» танловида фахрли 1-ўринни эгаллаб, вилоятда намуна бўлган эди. Бу йил эса иккинчи ўрин насиб этди.

ОБОД ҲАЁТ, ОБОД ТУРМУШ САРИ

2007 йил ташкил этилган таълим масканида ўқувчи-ёшларга қурилиш ва пардозлаш ишлари устаси, тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси, йўл қурилиши, машина механизмларини ишлатиш ва таъмирлаш, ҳисоб йўналишилари, газ таъминоти тизими жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш йўналишларида таълим берилади. Бу ерни бултур 217 нафар ёш битириб, уларнинг 76 фоизи соҳаси бўйича меҳнат фаолиятини бошлаб юборди.

Коллеж талабаларидан 3 нафари вилоят ўсмирлар терма жамоаси таркибида республика мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Яқинда шашка бўйича жаҳон чемпиони А.Тўйчиев билан «мастеркласс» турнири уюштирилди.

Президентимизнинг «Германия Федератив Республикасининг имтиёзли кредити ҳисобига қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Марказида «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар Германия техник ҳамкорлик жамияти (GIZ) ташкилоти билан ҳамкорликда олиб борилади. Лойиҳа доирасида жиҳозланаётган касб-ҳунар коллежлари ўқув ишлаб чиқариш усталарининг келтирилган жиҳозлардан таълим жараёнида унумли фойдаланиш мақсадида Германия техник ҳамкорлик жамияти (GIZ) ташкилоти ҳисобидан ГФРда малака ошириб келишлари соҳа ривожига қўшилган ҳисса бўлди.

Режали лойиҳа натижасида Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти томонидан тақдим этилган қиймати 500 000 АҚШ доллари бўлган замонавий жиҳозлар ўқувчиларнинг замонавий билимлар соҳиби бўлишига кўмаклашмоқда. Мавжуд жиҳозлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида «Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш» йўналиши бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси Ғайрат Ўлжаев яқинда ГФРда малака ошириб қайтди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

■ Таҳлил

Аъзолар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, турмуш ободлиги ва оилалар тўкислигига эришишда ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бошланғич ташкилотларнинг ўрни бўлакча.

«ОҚСОҚОЛ»НИНГ МАКТАБИ

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Туман марказидан Қизилқум сарҳадлари оша қарийб 120 км.лик йўл босиб, «Конимех» ҳамда «Сарбел» наслчилик хўжаликлари ҳудудида жойлашган аҳоли пунктига кирганимиз ҳамоноқ Саржал, Теріқудуқ, Янгиғозғон овулларида давр талабидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ўзгаришларни ҳис қилдик. Йўллар асфалтланган. Ҳовли ва хонадонлар таъмирдан чиқарилиб, тартибга келтирилган. Табиат инжиқликларига қарамай фуқаролар ўртасида заминни обод этиш ҳисси кучли.

Бизни ҳаммадан ҳам Янгиғозғон овулидаги қозоқ тилига ихтисослашган 5-умумтаълим мактабида касаба уюшма ташкилоти нуфузи анча баланд эканлиги қувонтирди. Тажрибали педагог, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Жахсибай Ажимуратовнинг исми жисмига монанд бўлиб, уни ҳамма эҳтиром билан «Оқсоқол» дейишар экан.

— Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-да, — дейди муассаса раҳбари Ибохон Наризова. — Баъзан жамоа орасида тушунмовчилик юзага келса, ҳеч иккиланмай «Оқсоқол»ни ёнимга чақираман. Шу кунгача Жахсибай ака бартараф этмаган ва ечимини топмаган муаммони эслай олмайман. У киши билан ҳамкорлик туфайли жамоамиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида фаол иштирок этиб, махсус дипломга сазовор бўлган.

Жамоадаги барча ўқитувчилар олий маълумотли. 2 та синфни компютерлаштирдик. Тикув хонамиз, спорт залимиз замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Жорий йилда ташкил этилган «Сарбел сози» фолклор-этнографик жамоамиз Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг III даражали «Диплом»ини қўлга киритди. Вилоят тадбирлари, кўрик-танловлар бизсиз ўтмайди.

Қарангки, Ибохон опа, унинг турмуш ўртоғи Эсанбай устоз ва касабақўм раиси Жахсибай акалар ҳам бадиий жамоанинг бевосита иштирокчилари экан.

Ҳудуддаги қорақалпоқ тилига ихтисослашган 41-мактабда ҳам иш берувчи билан касабақўм етакчиси ўртасида ана шундай ҳамжиҳатлик ҳукмрон. Етакчи Марат Душановга ажратилган хонада ҳужжатлаштириш ишлари бекам-кўст бажарилган. Шунингдек, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Конимех Давлат ўрмончилик хўжалиги, туман молия бўлими бошланғич касаба уюшма қўмиталари иш тутимларида ҳам жонкуярликни ҳис қилдик. Бизга энг ёққани, фаолиятни янада яхшилаш учун иштиёқнинг баландлиги бўлди. Тўғри, айрим нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Аммо суҳбат асноси шуни англадикки, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ёрдамида улар ҳам секин-аста бартараф этилмоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

■ Орамиздаги одамлар

— Негмуроджон, ёшим ҳам анчага бориб қолди, — деди бир кун ота.
— Кексалик ўз таъсирини ўтказяпти. Техникумни битирдинг, ҳарбий хизматга ҳам бориб келдинг. Рози бўлсанг чўпон таёғини сенга топшириб, қишлоққа қайтсам.
Ўшандан бери Н.Ойматов Қоровулбозор туманидаги қоракўлчилик наслчилигига ихтисослашган «Қоровулбозор» ширкат хўжалиги аъзоси.

МАМНУНИЯТ

Мутахассислар қоракўл терини табиат мўъжизаси, деб аташади. Кейинги йилларда бу соҳага эътибор янада ошгани боис «Қоровулбозор» ширкат хўжалигида Бухоронинг жаҳонга машҳур қовурғасимон, шафтолигул, яссигул каби кумуш ва тилларанг сур териларини кўпайтиришга ҳаракат авжида. Якунланган йил Уч юлғун яйловларида фаолият кўрсатаётган Негмурод Ойматов бошчилигидаги қўйчивонлар учун қувончли бўлди. Отардаги 278 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 110 тага етказиб қўзи олинди. Уларнинг 28 боши қоракўл тери учун сўйилган бўлса, 278 таси ўстириш учун қолдирилди. Бу эса бир отардан икки отар яратилди, дегани. Шартномадаги 745 кг. ўрнига 990 кг. сифатли жун топширилди. Бундай ютуқларга эришишда Жўра Саидов, Феруз Фазлиев, Баҳром Шомуродов сингари чўпонларнинг ҳам ҳиссаси бор. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида моҳир чўпон Негмурод Ойматов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» унвонига сазовор бўлди.

Айни кунларда унинг отарида 340 бош зотли совлиқ қўзиси билан зооветеринария талаблари асосида парваришланяпти. Баҳорнинг серёғин келгани ўт-ўланларга барака киритмоқда. Оқ печак, илоқ явшон, қора тариқ, янтоқ, читир каби чўл ўтлари гуркираб ўсмоқда. Узоқ йиллардан буён юз кўрсатмаган ёввойи пиёз, сабзи, картошкалар ҳам бугун яйловларда бўй кўрсатиб қолди. Қўй-қўзилар соғломлигини таъминлаш мақсадида хўжалик ветеринария врачлари Зокир Муқимов ва Боймурод Шукуровлар отарлардан тез-тез хабар олиб туришибди. Чечак, оқсил, қуйдирги каби хавфли касалликларнинг олдини олиш учун вақтивақти билан эмлаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Чорвачиликда, шу жумладан, қоракўлчиликда озуқа захираси муҳим аҳамият касб этади. Ўтган йилнинг ёз ва куз ойларида кўрилган пухта тараддуд қишловни кўнгилли ўтказиш имконини берди. Ҳозир ҳам ўтовда майдаланган дағал хашак, шелуха, шрот захиралари мавжуд. Ортиб қолгани келгуси қишловга ярайди.

— Хўжалик маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси саломатлигимизни таъминлаш, манфаатдорлигимизни ошириш, шароитларимизни яхшилаш борасида ҳамиша ғамхўрлик кўрсатяпти, — дейди Н.Ойматов. — Хизматларимиз қадр топаётганидан мамнунмиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

РИЗҚИ УЛУҒ, НАСИБАСИ ҚУТЛУҒЛАР ЗАМОНИ

Тўкинлик манбаи

«Икки тиниб-тинчимаган деҳқон гилос етиштиришнинг янгича технологиясини ўрганиш учун АҚШнинг қайси бир штатига бориб келибди, — дейди ҳамроҳимиз. — Ишқибозликда ҳамма нарсага тайёр бўлади шекилли-да одам». Тўрақўрғонликман деган деҳқону боғбон борки, шунақа: ҳосилнинг энг зўрини, ҳам мўлини олишга интилади. Иқлим гоҳида оғирроқ келганда ҳам, бу ерликлар қилни қирқ ёриб, шароитдан уддабуронлик билан чиқиб кетишади. «Ишнинг кўзини билади» деган таъриф улар учун камдек. Улар ишнинг нафақат кўзини, балки қўл-оёғини ҳам топа билишади. 10 сотихли ҳовлисидан олти марта ҳосил олиб, оиласига томорқанинг ўзидан йилига 15 миллиондан ортиқ даромад келтираётган Абдубанно ота Ғофуров ҳам шу туманнинг кўп йиллик тажрибага эга миришкорларидан.

Туман мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Козимжон Мирзааҳмедов ота ҳақида шу таърифни айтганида, очиғи, аввалига бироз ишонқирамадим. Аммо, Козимжон аканинг бирсўзлиги, жиддиятини назарда тутиб, «Борсак, аниқроқ билиб оламиз», деб ўйладим. Йўлга тушдик.

Меҳнат қилган элда азиз

Отанинг ҳовлиси Қатағон-Сарой қишлоғининг «Ўзбекистон» МФЙ ҳудудида жойлашган. Асли, бу қишлоқда кўчаси-ю ҳовлисини дарахт қопламаган хонадонни учратиш қийин. Аммо бодомлари ҳамманикидан-да кўпроқ меҳр билан парваришланган, ариғидаги сув ҳам ўзгача шодонлик билан оқиб ўтадиган, дарвозаси олдида саристалиқдан намуна яратилган уйни кўрсангиз, иккиланмай «Абдубанно отанинг ҳовлиси» деяверинг.

Эшик очиб киришингиз билан аллақандай меҳр, илиқлик кўнглингизга инади. Бир қарич бўш жой топилмайдиган ҳовлида йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Гилос, бодом, ўрик, узум, анжир, хурмо, ёнғоқ каби 100 тупдан ошиқ дарахт батартиб экилган. Терак қаламчалари аллақачон кўчат бўлишга шай. Ошкўк, редиска, картошка, сабзи, пиёз, бодринг баравж. Бир-икки қарич ерга сепилган ўсма шабода билан ўйнашади.

— Биринчи ҳосил ҳам мўлгина бўлади, шекилли, — дейман ташрифимиз сабабчиси Козимжон Мирзааҳмедовга гилос, бодом, ўрик тугган меваларга ишора қилиб.

— Булар биринчи эмас, иккинчи ҳосил, — жавоб беради Козимжон ака. — Биринчи даромадни помидор кўчатдан олиб бўлишди. Фойда ҳам бир ярим миллион атрофида бўлибди.

— Помидор кўчат етиштиришнинг ҳам ўзига хос сири, қийинчиликлари борми? — деган савол билан Абдубанно отага юзланамиз.

— Сири — кўпроқ меҳнат қилиш ва эътибор билан парвариш қилишда, — дейди ота. — Февралнинг йигирма бешинчисида уруғ сепамиз. Плёнка остида қалин бўлиб кўкариб чиққан майсаларни серўғит жойга сийраклатиб, қайтадан кўчат қиламиз. Майсалар жонланиб, бир қарич атрофидаги боғувват кўчатларга айланишади. Кейин плёнкаси очилиб, сотувга чиқарилади. Харидорларнинг ўзи ҳар йили уйимиздан олиб кетишади.

Кўчат етиштириладиган жойнинг эни нари борса, икки метр, узунаси тўрт метрлар атрофида. Ҳатто одамнинг назари илғамас жой деса ҳам бўлади. Аммо шугина ердан бир ярим миллион даромад топиш учун ҳам киши уддабурон бўлиши керак. Диққатимизни тортган ва ўзимизча хулоса қилганимиз шу бўлдики, бу хонадондагилар ҳалолликни асосий қонун, деб билишар экан. Барглари бироз сарғайган ёки салгина уринган кўчатни харидорнинг кўзини шамғалат қилиб, сонга қўшиш мутлақо буларга ёт. Аслини олиб қаралса, ўттиз мингта кўчат ичидан беш-ўн, борингки, йигирмата уннаганроқ кўчатни айириб қолиш учун ҳам ҳалол луқма «гадо»си бўлиш керак. Шунинг учунми, бу оиланинг топгани баракали, егани тотли. Ҳалолликнинг ҳикмати шу бўлса керак-да. Кўп ерда кўрганмиз: дарахтзор салқин бўлгани учун ҳамма ҳосил ҳам битавермайди. Аммо гилослар тагидаги картошка яхши ўсяпти, плёнка остига экилган бодринг палак ташлашга шайланяпти, помидор, пиёз, қовун ривожи ҳам кунгай жойникидан қолишмайди.

— Помидор кўчатларимиз биринчи ҳосил бўлса, мевалар иккинчиси бўлади, — дейди ота. — Помидор кўчатдан бўшаган ерга арпани ҳам шолидек кўчат қилиб экамиз.Тўртинчи ҳосил — картошка ўрнига бешинчи экин сифатида маккажўхори экамиз. Ҳосили йиғиб олинган ерга, молқўйимизга хашак бўлсин учун кетма-кет жўхори сепиб қўямиз.

— Мол-ҳол борми?

— Учта мол, битта қўй, товуғимиз бор. Сут-қатиқ, қаймоқ, тухум дегандек, ўзимиздан чиқади.

— Саналаётган нарсаларнинг ҳар бири кўп вақт ва куч талаб қиладиган юмушлар. Чарчаб қолмайсизми?

— Ишлаб чарчашнинг айби йўқ. Ишёқмасликдан худо асрасин. Қолаверса, бу ишлар билан холангиз, ўғлим Зиётали, келиним Каримахон, икки неварам — Азамат ва Достонбек ҳам банд бўлишади.

Сухбатни оиланинг қўл-оёғи, ҳар ишда чаққон ва пазанда келини Каримахон опа билан давом эттирамиз.

— Қайнона билан келиннинг тупроғи бир жойдан олинади, деган гап бор. Сизнинг ҳаётингизда бу фикр қанчалик ўз исботини топди?

— Онам ҳозир ҳам бир зум тинмайдилар. Банд одамнинг ортиқча нарсаларга вақти бўлмайди, дейдилар. Шу насиҳатларига амал қилиб кам бўлганимиз йўқ. Рўзғор юмушидами, деҳқончиликдами онам ҳам, отам ҳам нафақат ўргатувчи, ҳамиша ёнимиздаги кўмакчилар.

Карима опанинг «қарқара келин»лиги ширмой каби ёпган нонларида-ю тотли таомларида, уй-жойни озода сақлаши-ю икки ўғли — Азамат ҳамда Достонбекни қобил фарзанд этиб тарбиялаётганидан ҳам намоён.

Маҳалла оқсоқоли Сайфиддин Умрзоқовнинг таъкидлашича, ҳудуддаги 683 та хўжаликнинг деярли барчасида шундай омилкорлик ҳукмрон.

— Маҳалладошларимиз «Ишлаган — тишлайди» нақлига амал қилишади, — дейди у фахр билан. — Томорқасига бироз беэътиборлар билан даромад манбаи, унинг имкониятлари ҳақида тарғибот ишлари олиб бордик. Бунда, айниқса, касаба уюшма ташкилотлари бизга кўмакчи бўлди.

Эзгулик эшигини очиб...

— Касаба уюшма ташкилотлари қайси тармоқ ёхуд бўғинда бўлмасин, инсонга наф келтириш, аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшишга интилади, — дейди К.Мирзааҳмедов. — Ҳозирда бизнинг ташаббусимиз билан туманимизнинг ҳар бир маҳалласидаги шундай ибратли хонадонлар фаолияти оммалаштирилаётир. Ёртепа ҚФЙ Янгиобод МФЙда истиқомат қилувчи Миробдулла Тошбоев оиласи ҳам уддабуронлик сабаб фаровонликка эришган хўжаликлардан. Уларнинг хонадонига бориб, тасаввурларимизни мустаҳкамласак...

Мазкур оилани бежиз «уддабурон» дейишмаган экан. Саккиз сотихли ҳовлида рўзғор учун керакли ҳамма нарса етиштирилмоқда. Нафақат ҳовли, ўчоқбошигача ёғ тушса ялагудек қилиб қўйилган.

Миробдулла амаки оила бекаси Зумрадхон хола билан икки ўғил, уч қизни ҳавас қиларли даражада тарбиялашди, элга қўшишди. Айни кунларда 8 нафар неварани ҳам ардоғидаги бобо-бувига айланишган.

— Шундай ёруғ кунларга етказганига шукр, — дейди Зумрадхон хола. — Бир вақтлар ҳовлимизга қарашга ҳам имконимиз йўқ эди. Сабаби, тонгдан оқшомгача далада бўлардим. На қиш, на ёзда тинимимиз бор эди. Қор ичида юриб ҳам пахта терганмиз. Аммо бугунги шароит, рағбатлар натижасида тушундикки, даромад топаман деган инсон ҳамиша имкон ҳам топаркан. Ҳозир ҳовлида картошка, саримсоқпиёз, ошкўк гуркираб ўсиб ётибди. Бодом, гилос, ўрик, шафтоли, олма, анор, узум, хурмо каби дарахтларнинг олди мева тугишни бошлаган. Иккита мол, 10 та қўй боқяпмиз. Яқиндагина оғилдаги иккита сигирни сотиб, катта ўғлимнинг уйини битказиш ҳаракатини бошладик. Ҳовлининг ўзидан йилига 5 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрамиз. Пулга муҳтожлик сезмаймиз. «Камхаржроқман» деган кишини учратсам, «ерингиз йўқми?» деб сўрайман.

Дарҳақиқат, хола ўзи сўйлаганларига қатъий амал қиладиган аёллардан экан. Икки метрча келадиган жойдан эллик туп бодом кўчати етиштириб, боққа экибди. Ҳозир бир туп бодомнинг нархи ўртача 4-5 минг сўм эканлигини ўйласак, даромаднинг миқдорини чамалаш қийин эмас. Қолаверса, икки йил муддат ичида саройдек уй тиклашга ҳам анчагина маблағ кетади. Буларнинг бари шу мўъжаздек ҳовлидаги унумли меҳнат сабаб бунёд бўлаётир.

Ҳар ишда гўзаликни хуш кўрувчи бу оила вакилларининг тутуми ҳар бир кишининг ҳавасини, ғайратини уйғотади. Зеро, эзгуликнинг қаноти бор. Фақат у пок қалблардан тоза юракларгагина кўчади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири



САВОЛ:

Ўғлим университетнинг Жисмоний тарбия ва спорт факултетининг 4-босқич талабаси, ҳарбий хизматни ўтаган. Ҳозирда мактабда ишламоқда. Бироқ мактаб маъмурияти унга: «Олий ўқув юртини тамомламаган талабаларни таълим муассасаларидан ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ бор. Шунинг учун бўшаш тўғрисида аризангни ёз», деяпти. Шу тўғрими?

ЖАВОБ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан олий ёки ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни умумтаълим муассасаларига педагогик лавозимларга қабул қилишга йўл қўйилмайди. Бироқ олий таълим муассасасининг 4-босқичида ўқиётган талабалар педагоглик ишини амалга ошириш учун қўйилиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

Саволга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош юрист-консулти Д. МУҲАМЕДАЛИЕВА жавоб берди

САВОЛ:

Кўча-кўйда, жамоат транспортларига жойлаштирилган турли хил реклама ва афишаларга кўзимиз тушади. Уларнинг катталигидан автобус қаерга бориши ҳақидаги ёзув ҳам кўринмай қолади. Транспорт ва почта жўнатмаларига рекламаларни жойлаштириш мумкинми?

ЖАВОБ:

Ҳа, рекламаларни транспорт воситаларида, шу жумладан, метрополитенда фақат уларнинг эгалари ёки мулкдорлари билан келишилган ҳолда хавфсизлик талаблари ва йўл қоидаларига мувофиқ жойлаштириш мумкин.

Бироқ рекламани умумий фойдаланишдаги транспорт воситаларида, вокзалларда, портлар ва аэропортларда йўловчиларга хабар берувчи овозли тармоқлар орқали тарқатиш тақиқланади, ижтимоий ахборот бундан мустасно.

Рекламани почта жўнатмалари орқали тарқатиш белгиланган тартибда шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

САВОЛ:

Бир ёшга тўлмаган фарзандим учун озиқ-овқат маҳсулотини сотиб олаётганда нималарга эътибор беришим керак, болаларга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари маълумотномаларига қандай талаблар қўйилган?

ЖАВОБ:

Маҳсулот қадоғи маҳсулот номи унинг болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат эканлигини ифодалаши керак. У асосан ингредиентга мос бўлиши ва маҳсулотнинг қуюқ-суюқлик даражасини ифодалаши зарур. Бир ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган сут маҳсулотлари ўрамига «она сутига яқин», «ўхшаш», «мослаштирилган» каби сўзларнинг ёзилишига рухсат этилмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган умумий озиқ-овқат маҳсулотларига бериладиган маълумотлардан ташқари, витамин ва минерал моддалар таркиби, истеъмол ўрамини очгунга қадар ва очгач сақлаш шартлари, тайёрлаш усули, фойдаланиш бўйича тавсиялар каби қўшимча маълумотлар берилиши зарур.

Бир ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган сут маҳсулотлари ўрамида, кўкрак сути билан бола эмизишнинг устуворлиги ҳақида маълумот берилиши ва врач белгилаган шартлар асосида, ёшига қараб овқатлантириш тавсия этилади.

Болалар учун консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари идишининг қопқоғи ёки тагига консерванинг тайёрланган санаси (куни, ойи, йили) кўрсатилиши шарт.

САВОЛ:

Бир банка томат шарбати сотиб олдим. Бироқ маҳсулот ёрлиғида на ингредиентлар рўйхати, на яроқлилик муддати кўрсатилган. Ҳаттоки, ишлаб чиқарувчи ҳақида ҳам маълумот йўқ экан. Этикеткада қонун бўйича нималар кўрсатилиши керак?

ЖАВОБ:

«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида шундай дейилади: «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи жисмоний ва юридик шахслар уларни қадоқланган, ўралган кўринишида (барча муносабатлар давомида сифатини ва озуқа қийматини таъминлайдиган) ва қонунчиликка мос равишда маркаланган (белги қўйилган) тартибда чиқаришлари шарт».

Қадоқланган ёки ўралган озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқатга қўшиладиган биологик фаоллаштирувчи қўшимчалар, озуқа қўшимчалари этикеткалар, суқма-варақларга эга бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- озиқ-овқат маҳсулотининг номи;
- озиқ-овқат нимага мўлжалланганлиги (маҳсулотларнинг болалар ва парҳез учун ихтисослаштирилганлиги);
- ишлаб чиқарувчининг номи;
- товар белгиси (унга эга бўлган ташкилот учун);
- озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирган ингредиентлар, озуқа қўшимчалари билан бирга номлари;
- озуқа қиймати, нави;
- сақлаш шартлари;
- ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати;
- тайёрланиш усуллари (ярим тайёр ва болаларга мўлжалланган ҳамда парҳез таом маҳсулотлари учун);
- оғирлиги;
- фойдаланиш усули (биологик фаол қўшимчалар, болалар ва парҳез таомлар учун озуқа қўшимчалари);
- мослик белгиси (маҳсулотларига мослик белгисини маркалаш ҳуқуқи тўғрисида лицензияга эга корхоналар учун);
- меъёрий ва техник ҳужжатлар рақами.

Сотиб олинган томат шарбати ёки шунга ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотига келсак, этикеткасида тўлиқ маълумоти бўлмаган ёки этикеткасиз озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмаслик тавсия қилинади. Агар эътибор қилмай олган бўлсангиз, сотувчига сотиб олганлигингиз ҳақидаги касса чекини кўрсатиб, сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ўз эътирозингизни билдирган ҳолда яроқлилик муддати ўтмаган, тўлиқ маълумотлар акс этган этикеткага эга бошқа маҳсулотга алмаштириб олишингиз ёки бўлмаса пулингиз қайтариб берилишини талаб қилишингиз мумкин.

Гавҳар САГАТОВА,
Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси мутахассиси

Реклама ва эълонлар

Вниманию организаций и предприятий!

ОАО « NAVOIYAZOT» ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту:

«Локальная система оповещения о чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера»

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС 1 571 922 654 сум, с НДС 1 886 307 185 сум.

Срок строительства – 3 месяца.

Заказчик ОАО «NAVOIYAZOT»

Расположенный г.Навои, Навои – 5

Финансирование проекта будет осуществляться за счет собственных средств ОАО «NAVOIYAZOT».

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:

- иметь лицензию на право эксплуатации (технического обслуживания) местных сетей телекоммуникаций;
- иметь лицензию на проектирование, строительство и эксплуатацию (технического обслуживания) сетей передачи данных;
- иметь сертификат официального представителя завода-изготовителя оборудования, золоженного проектом;
- иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навоий, ул. Гвасалия - 2а, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул. ул. Гвасалия - 2а, тел. 22.5.49.96

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензировано

XORAZM KO'CHMAS MULK savdo servis

«Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ

Нархлар ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2013 йил 6 май куни соат 11:00 да Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 24 март кунги 22-1106/1199-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Хоразмқурилиш» МЧЖ кредиторлар қўмитасининг 2013 йил 12 апрелдаги 27-сонли йиғилиш қарорига асосан «Хоразмқурилиш» МЧЖга қарашли Урганч шаҳар Саноатчилар кўчасида жойлашган «2-сонли Автобаза»га тегишли қуйидаги мол-мулклари кўчмас мулк бино ва иншоотлари ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва улардаги бевосита боғлиқ бўлган бошқа турдаги мулклари қўйилмоқда:

№	4-Участка билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа турдаги мулклар номлари	Қурилиш ости майдони (м2)	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	Омборхона биноси	718,23	75 644 176,5
2	Козонхона биноси	90,24	5 928 273,0
3	Асфалт майдони	1496	5 323 620,9
4	Селикат ғиштдан бўлган девор (h=1,8)	20,0 п/м	703 039,5
5	Темир бетон панелдан бўлган девор (h=3,0)	6 п/м	342 216,0
6	Прожекторлик вишка	1 дона	219 193,2
7	Қозонхона ичидаги мойка для двиг.	1 дона	2 436 151,5
8	Омборхонага ўрнатилган кран балка 2 тонна	1 дона	1 616 792,4
9	Омборхонага ўрнатилган Электротал 1985 й.	1 дона	910 512,0
10	Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи	2305,32	8 412 694,9
	4-Участканинг бошланғич баҳоси		101 536 669,9

Шунингдек 2013 йил 6 май куни соат 11.00 да Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 24 март кунги 22-1106/1199-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Хоразмқурилиш» МЧЖ кредиторлар қўмитасининг 2013 йил 12 апрелдаги 27-сонли йиғилиш қарорига асосан «Хоразмқурилиш» МЧЖга қарашли Урганч шаҳар Саноатчилар кўчасида жойлашган «2-сонли Автобаза»га тегишли 1-участка қисми олдида жойлашган машиналар жойидаги ердан фойдаланиш ҳуқуқисиз 360 кв.метр асфалти ва унинг устида жойлашган атрофини ўраб турган пойдевори 54,5 п/метр бўлган сокол блок устидаги темир панжараларни бошланғич баҳоси тугатиш қийматларида жами 3.063.772 сўмда қўймоқда.

Савдо ғолибига савдо кунида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

«Хоразмқурилиш» МЧЖ банкротлик ишини муддати тугаётганлиги сабабли аукцион савдосида ғолиб бўлган харидорлар мулкларни сотиб олиш суммасини олди-сотди шартномаси рўйхатга олинган кундан бошлаб 2013 йилнинг 10 май кунигача тўлашлари шарт.

Ушбу мол-мулклар 2013 йил 6 майдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 8 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, **«Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ** ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 17.00да тўхтатилади. Ҳисоб рақами **20208000804935791001** АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО **00580,** ИНН **302101924.**

Телефон: 8(362)-226-88-87. Расмий сайтимиз: www.uy-joy.uz **Лицензия RR-0054**

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 20-aprel № 50 (3243)

Болалар спорти

Дилноза ўн тўрт ёшида Шри-Ланкага бориш бахтига мушарраф бўлди.

— Биз унинг ёшида қишлоғимиздан нарини кўрмагандик, — дейди фахр билан бувиси. — Истиқлолнинг шарофати бу. Иқтидорлиман деган ёшлар учун ҳамма эшиклар очиқ. Улар нафақат она диёримизда, балки бутун дунёда ўз маҳорати, истеъдодини намойиш қилишмоқда. Шу кунларни кўрганимизга шукур.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ШАРОФАТИ БУ

Дарҳақиқат, Дилноза Бектемирова ва унинг дугоналарига ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди.

— Биз ёшлигимизда спорт деган сўздан ўн чақирим нарида юрардик, — дейди яна бувиси. — Неварам эса моҳир спортчи. Спортчи бўлгандаям футболчи!

2008 йилда Янгибозор туманидаги 9-футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатида мамлакатимизда биринчилардан бўлиб «Тўмарис» қизлар футбол жамоаси ташкил қилинди. Чекка қишлоқ қизлари ана шу жамоа атрофида бирлашдилар. 2010 йилдан бошлаб жамоа республика олий лига ўйинларида иштирок эта бошлади. 2011 йилда уч нафар ўйинчи — Дилноза Бектемирова, Гулмира Тожибоева, Сабоҳат Эркинова республика терма жамоаси сафига жалб этилди. 2012 йилда эса аёллар футболи бўйича Ўзбекистон биринчилигида жамоа 40 очко тўплаб, кумуш медал соҳибасига айланди. Дилноза Бектемирова мусобақанинг «Энг кўп тўпурари» номинациясини қўлга киритди. Энг муҳими, Дилноза Бектемирова ва Райҳона Бекберганова Шри-Ланкада бўлиб ўтган Осиё чемпионати саралаш ўйинларида Ўзбекистон U-16 ёшлар терма жамоаси сафида майдонга тушиб, Осиё чемпионатига йўлланма олинишига муносиб ҳисса қўшишди.

— Муваффақиятларимизда мураббийимиз Олимбой Давлетовнинг хизмати катта, — дейди Дилноза.

Дилноза билан суҳбатлашиб, «Тўмарис» жамоасининг муваффақиятлари аслида 9-футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати жамоаси томонидан қўлга киритилаётган ютуқларнинг бир қисми эканлигини англадик.

Мактаб-интернат 2004 йилда ташкил

қилинган бўлиб, дастлабки йиллари футбол, белбоғли кураш, бокс йўналишларида фаолият олиб борган. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида таълим муассасасига Хоразм вилоят 9-футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати мақоми берилди.

— Спорт истиқлол йилларида юртимиз салоҳиятини, куч-қудратини дунёга танитган соҳалардан биридир, — дейди мактаб-интернат директори Ҳамро Бектемиров. — Мамлакатимизда ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болалар ва қизлар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўлами ислоҳотлар натижасида ёшларимиз кўплаб турлар бўйича жаҳон ва қитъа чемпионларига айландилар. Биз ҳеч қачон ўзимизга республиканинг чекка қишлоғидаги спорт мактаби деб қарамаймиз, жаҳондаги нуфузли футбол мактабларидан бири бўлишга интиламиз. Ахир, бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳеч кимникидан кам эмас. Демак, ҳаракат ҳам шунга яраша бўлиши керак.

2011 йилда жамоанинг вилоятда «Энг яхши футбол интернати» номига сазовор бўлганлиги имкониятлардан самарали фойдаланишнинг бир исботи.

2011-2012 ўқув йилида турдош интернатлар орасида ўтказилган XV республика мусобақаларида жамоа 2-ўринни эгаллади. Сочида бўлиб ўтган халқаро турнирда 2000 йилда туғилган ўқувчилар мураббий Маркс Каримов раҳбарлигида яна бир бор тилга тушди. Ҳозирда интернат тарбияланувчиларидан (ўғил болалар ўртасида) 3 нафари олий лига ўринбосарлари таркибида, 2 нафари Ўзбекистон U-19 ёшлар терма жамоаси сафида тўп сурмоқда. Тарбияланувчи қизлардан 18 нафари республика аёллар футболи олий лига жамоасида иштирок этмоқда.

Футбол интернати билан Японияннинг JOCV ташкилоти ўртасида тузилган шартнома асосида 2010-2012 йилларда «С» категорияли мураббий Оми Мамажиро ёш футболчиларга маҳорат сирларини ўргатди. Айни кунларда яна бир японияли «С» тоифали мураббий Ямамота Такуми футбол интернатида фаолият кўрсатмоқда.

Мактаб-интернатда футбол билан биргаликда спортнинг белбоғли кураш туридан ҳам машғулотлар олиб борилади. Тўгаракка 24 нафар тарбияланувчи жалб қилинган. Машғулотларнинг намунали ташкил қилинганлиги туфайли ўқувчилар республика мусобақаларида совринли ўринларга сазовор бўлмоқда. Раҳматжон Шомуротов Осиё чемпиони, Замира Аҳмедова икки карра жаҳон чемпиони. Малоҳат Ўрозбоева, Мурод Отахонов, Дониёр Мадаминов, Жавоҳир Атахонов, Бекзод Рустамов, Қувондиқ Болтабоев республика мусобақалари ғолиблари.

— Футбол интернатининг бу каби муваффақиятларида маҳаллий ҳокимлик ва касаба уюшмалари томонидан таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Нафиса Эшчонова. — Ўқувчилар 2009 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган замонавий спорт залида машғулот олиб боришади. 3000 ўриндиққа эга 3-тоифадаги марказий ўйингоҳ футбол интернатимиз балансига берилди. Истиқлолнинг 21 йиллиги арафасида эса мактабимизга «Дамас» автомашинаси ажратилди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан ота-оналар бадал тўлови учун бир миллион сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди.

Ўқувчиларга яратилган шароитлар билан қизиқдик. 145 ўринли ётоқхонада болаларнинг яшаши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча имконият мавжуд. Ошпазлар томонидан тайёрланган витамин ва минералларга бой таомлар ўқувчиларга манзур бўлмоқда. Врач Норгул Жумамуратова, ҳамшира Раъно Бобожонова эса спортчилар саломатлигини доимий назорат остига олишган.

Мактабда умумтаълим фанлари ҳам чуқур ўргатилади. Сайёра Раҳимова, Феруза Бозорбоева, Иқбол Абдуллаева каби умумтаълим фанлари ўқитувчилари ҳар бир дарсни санъат даражасида ўтишга ҳаракат қилишади.

Жамоа фаолияти билан яқиндан танишиб шуни англадикки, ўқитувчи ва мураббийлар, ўқувчи ёшларнинг эзгу мақсадлар учун биргаликда интилишлари муваффақият гарови бўлмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Суратларда: *футбол интернати фаолиятидан лавҳалар*

Фикр

КИТОБХОНЛИК ЗАВҚИ

Яқинда бир дугонамнинг туғилган куни бўлди. Унга буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китобни совға қилдим. Бу дугонамга хуш ёқмади.

— Буни қаранглар, китоб олиб келибди, биттагина «Сникерс» олиб келсанг ҳам хафа бўлмасдим...

Хонадагилар аввалига кулишди, аммо дугонам Наргизанинг гапидан сўнг жимиб қолишди.

— Вой, қандай зўр китоб, қачондан буён уни ўқишни орзу қилардим, ёқмаган бўлса менга бер, битта эмас, ўнта «Сникерс» совға қилганим бўлсин.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан китоб ва китобхонлик мавзуига бурилди.

Туғилган куни нишонланаётган дугонам дўстларимнинг гапидан сўнг мен туҳфа қилган китобни варақлар экан, кўзларида олов чақнади.

— Вой, қаранглар, Жалолиддин Мангуберди ҳақида шундай маълумотлар берилибдики...

Ҳаммамиз китоб дўконига бориб, биттадан китоб сотиб олишга ахд қилдик.

Эндиликда дўстларим билан учрашганда, албатта, ўқиган китобларимиз ҳақида гапириб берамиз, китоб алмашамиз.

О, бунинг қанчалар роҳатбахш эканлигини билсангиз эди!

Маҳфуза ТЎРАБОЕВА,
Ажиниёз номидаги
Нукус давлат педагогика институти талабаси

Глобаллашув шароити аждодларимиз маънавий меросини ҳар қачонгидан асраб-авайлаб, пухта ўзлаштириш ва келажак авлодларга етказиш масаласини ўртага қўймоқда. Шундай муносабатгина «оммавий маданият» ниқоби остида тарғиб қилинаётган вайронкор ғояларидан ёшларни ҳимоялаши мумкин. Чунки, ҳаёт сабоқларидан маълумки, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишилар илм-фанни ўрганишга ҳам, ҳалол меҳнат қилишга ҳам рағбат қилмайдилар.

ШАРҚ ТАФАККУРИ МЎЪЖИЗАСИ

Шаркда шундай буюк зотлар ўтганки, улар қолдирган маънавий мерос асрлар оша башарият қалбини эзгулик нури ила ёритиб келмоқда. Мавлоно Жалолиддин Румий ана шундай буюк зотлардан. Шарқнинг улуғ донишманди, беназир шоири ва мутафаккири ижоди ва шахсияти бутун инсоният тафаккурини лол қолдирган. Баъзи европаликлар уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Гегел каби файласуфларга қиёслашади. Ваҳоланки, унинг асарларидан Гёте ва Гегел илҳом олиб ижод қилишган. Зеро, Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади. У ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди.

Саратонда саҳрода толиқиб, ташна қолган одам шарқираган булоқни кўрганда қандай хурсанд бўлса, маънавиятга ташна одам ҳам Румий асарларини ўқиб, шундай туганмас ҳузур топади.

Дарҳақиқат, Мавлоно Румийни бир миллат, бир жамият ёки бир замонга эмас, балки ҳамма замонлар учун қадрли қилган асос унинг барча нарсаларнинг моҳиятга эътибор берганлигидадир.

Мутафаккир ўз асарларида олам ва одамнинг фалсафий моҳиятини сўфиёна мушоҳадалар ва шеърий ташбеҳлар орқали тасвирлар экан, инсоннинг маънавий оламига катта эътибор қаратади. Асарларида сабр-тоқат, ирода ва маърифат, комиллик ҳақида сўз борадаи:

Холи тут кўнгилни ёр инкоридин,
Сўнгра райҳон уз унинг гулзоридин.
Сабр қил, нафсингга этгил қаршилик,
Ул ёмондин ким кўрибдур яхшилик?

Нафс тарбияси Жалолиддин Румий қарашларида муҳим ўрин тутади. У инсондаги моддий ва маънавий томонларнинг уйғунликда қарор топиши кераклигини уқтиради.

Мавлоно меросининг бугунги кунгача севиб ўқилиши ва қалбларни ҳайратга тўлдиришининг боиси ҳам, бизнингча, унинг асарлари халқона руҳ билан суғорилганлигидадир.

Асрор РАҲИМОВ

Давра суҳбати

Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат! Биз шу билан бошқалардан фарқ қиламиз» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Маънавият тарғибот маркази мутасаддилари, маҳаллалар, ёшлар ташкилотларининг вакиллари, таниқли санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ГЎЗАЛ ТАРБИЯ — ЗИЙНАТ

Давра суҳбатида ёшлар, айниқса, қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир этаётган ёт ғоялар билан курашиш борасида сўз борди. Таъкидланганидек, ёш йигит-қизларни жаҳон ахборот майдонида тобора авж олиб бораётган «оммавий маданият» унсурлари, турли маънавий хуружлардан асраш келажагимиз ворисларининг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Елкамиздаги масъулиятли бурчни эса ёшлар қалбида миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини кучайтириш, уларга бой маънавий ва ахлоқий тарбия бериш орқалигина адо этиш мумкин. Бу вазифани амалга оширишда санъат, эстрада ва кино ижодкорларининг алоҳида ўрни бор.

Табиийки, фарзандларимиз аксарият ҳолларда хонанда ва санъаткорларнинг кийиниш ва пардоз маданияти, соч турмаги, хатти-ҳаракати ва ҳоказоларга тақлид қилишади. Шу боис ҳам экранларда янграётган қўшиқ ва клипларнинг савияси, намойиш этилаётган филмларнинг мазмун-моҳиятига жиддий эътибор қаратишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Давра суҳбатида сўз олганлар ёшлар, хусусан, ўсмир қизларнинг экран қаҳрамонларига эргашиши, улардек бўлишга интилишини инобатга олган ҳолда телекўрсатув, сериал, клипларга қўйилаётган талаб ва мезонларни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

— Бола мисоли бир ниҳол, уни қандай парвариш қилинса, шу тариқа ўсиб-улғаяди, — дейди Республика Болалар ижтимоий мослашув маркази раҳбари В. Алимова. — Фарзандларимиз камолга етар экан, улар ким билан дўстлашаётгани, бўш вақтида нима билан машғул бўлишини назорат қилишимиз керак. Айниқса, бўлажак оналар ҳисобланган қизларнинг одоб-ахлоқи, муомаласи, юриш-туриши, рўзғор тутиши намунали бўлишига эришиш биздан катта куч талаб қилади. Она ўсмир қизи билан дугонасидек дилдан сўзлашиб, маслаҳатини, тажрибасини аямаса, ўзи ибрат бўлса, ўйлайманки, фарзанд ҳеч қачон ёт таъсирларга берилмайди. Бугунги тадбирда ҳам масъуллар, санъаткорларнинг фикрларини тинглаб, турмуш қуриш арафасидаги гулдек қизларимизни қимматбаҳо кийим-кечак ва тақинчоқлар билан эмас, уларнинг дунёқарашини гўзал тарбия билан безасаккина кутилган натижага эришамиз, деган хулосага келдим.

Давра суҳбатида қизларни эрта турмушга бериш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби масалалар ҳам ўртага ташланди. Ушбу йўналишда амалий чоратадбирларни янада жонлантириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

БАРДАВОМ БАЙРАМ ШУКУҲИ

«Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак», — дея таъкидлайди Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида. Зеро, юртга муҳаббат, қадриятларга эҳтиром ҳиссини болада ғўдакликдан шакллантириш лозим.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 371-мактабгача таълим муассасасида Наврўзга бағишлаб ўтказилган байрам тадбири ҳам шу мақсадга хизмат қилди. Тадбирда тарбияланувчилар «Дилхирож», «Шўх бола», «Чавандоз», «Андижон полкаси» каби рақс, баҳорни тараннум этувчи қўшиқларни ижро этишди. Айниқса, «Ёш томошабинлар» театри актёрлари томонидан намойиш этилган томоша болажонларни қувонтирди.

— Фарзандларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида муассасамизда бир қанча тўгараклар фаолият юритиб келаётир, — дейди муассаса мудираси Назира Файзиева. — Миллий рақс, ўйин, қўшиқ тўгаракларида ўрта ва катта гуруҳ тарбияланувчилари иштирокида бир-биридан қизиқарли машғулотлар ўтказиляпти. Зеро, мурғак қалбларда Ватанга муҳаббат, мардлик туйғуларини шакллантиришда бу катта ўрин тутади. Президентимизнинг чет тилларни ўзлаштиришни янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармонидан руҳланиб, муассасамизда инглиз тили тўгараги ташкил этдик. Тўгарак учун ажратилган хона барча зарур жиҳозлар, кўргазмали қуроллар билан таъминланди.

Байрам тадбирида болалар томонидан баҳор, Наврўз ҳақида инглиз тилида куйланган қўшиқлар барчага манзур бўлди. Шунингдек, хорижий мамлакатларда баҳорни кутиб олиш билан боғлиқ анъаналар ҳақида чиқишлар қилинди.

С. ЭШМЎМИНОВА,
журналист

Кўрик-танлов

Муқимий номидаги мусиқий драма театрида Шайхонтоҳур туманидаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ёш педагоглар ўртасида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида кўрик-танлов ўтказилди. Қатнашчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда беллашдилар.

МАҲОРАТ СИНОВИ

Танловда ҳар бир жамоанинг бадиий чиқиши, фаолияти акс этган буклет, албом ва улар томонидан тайёрланган видеороликлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ёшларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган янгиликлардан хабардор этиш ва улар ўртасида дўстона муносабатни кучайтиришдан иборат, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Дилнора Шоазимова. — Бугунги тадбирда уларнинг фикрлаши, чет тиллар, хусусан, инглиз тилида қанчалик равон сўзлаётганликларини кўрдик.

Танлов якунида «Ўзбекистон ёшлари» жамоаси 1-, «Шарқ гавҳари» жамоаси 2-, «Ниҳол» жамоаси 3-ўринларни эгаллашди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

С.АБДУРАҲМОНОВ.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Buyurtma Г — 411 | 20265 nusxada bosildi | 1 2 3 4